

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД  
БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD  
BOBUR NOMIDAGI  
ANDIJON DAVLAT  
UNIVERSITETI

# ILMIY XABARNOMA

## Научный вестник

2017 / Махсус сон

(Ушбу сон докторантлар, мустақил изланувчи ва эркин тадқиқотчиларнинг  
диссертация мавзулари бўйича тадқиқот натижаларини ўзида акс эттирган  
мақолалардан таркибланиб, Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги хомийлигида чоп этилди)

Андижон  
2017 йил

**Муассис:**

Zahiriddin Muhammad  
Bobur nomidagi  
Andijon davlat universiteti

**ИЛМИЙ ХАБАРНОМА  
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК**

Журнал бир йилда  
түрт марта чоп этилади  
  
Андижон вилояти Матбуот  
ва ахборот бошқармаси  
томонидан 2009 йил  
7 апрелда 04-039 рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:  
М.Шералиева

Журнал фалсафа, тарих,  
филология, педагогика ва кимё  
фанлари бўйича Олий  
Аттестация комиссиясининг  
диссертациялар натижалари  
юзасидан илмий мақолалар  
эълон қилиниши лозим бўлган  
нашрлар рўйхатига кирилган.

Босишига рухсат  
этилди: 26.08.2017.  
Қоғоз бичими: 60x84 1/<sub>8</sub>.  
Босма табоғи: 13,5.  
Офсет босма. Офсет қоғози.  
Адади: 667 дона.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа  
бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Сўгалли ота  
кўчаси 7-ий.

**Таҳрир ҳайъати раиси:**

А.С.Юлдашев, биология фанлари доктори, профессор

**Илмий маслаҳатчи:**  
С.С.Гуломов, ЎзФА академиги

**Таҳрир ҳайъати:****Аниқ ва табиий фанлар:**

Ф.Мўминов, физика-математика фанлари доктори  
А.Ўринов, физика-математика фанлари доктори, профессор  
М.Тўхтасинов, физика-математика фанлари доктори  
А.Т.Мамадалимов, ЎзФА академиги, физика-математика фанлари  
доктори, профессор.  
С.Зайнобидинов, физика-математика фанлари доктори, профессор  
И.Н.Каримов, физика-математика фанлари доктори, профессор  
Р.Я.Расулов, физика-математика фанлари доктори, профессор  
Р.У.Алиев, техника фанлари доктори, профессор  
И.Р.Асқаров, кимё фанлари доктори, профессор  
Н.Мадиҳонов, кимё фанлари доктори, профессор  
И.Абдуғафуров, кимё фанлари доктори  
Т.А.Мадумаров, биология фанлари доктори, профессор  
М.Ҳ.Аҳмедов, биология фанлари доктори, профессор  
Л.М.Сайдбоева, биология фанлари доктори, профессор  
Қ.Т.Тожибоев, биология фанлари доктори, профессор

**Ижтимоий-гуманитар фанлар:**

А.Бегматов, фалсафа фанлари доктори, профессор  
Т.Ортиқов, фалсафа фанлари доктори, профессор  
В.А.Алимасов, фалсафа фанлари доктори, профессор  
Р.Рўзиев, юридик фанлари доктори, профессор  
Й.Рахимов, юридик фанлари доктори, профессор  
М.Қирғизбоев, сиёсий фанлар доктори, профессор  
И.Эргашев, сиёсий фанлар доктори, профессор  
К.Юнусов, сиёсий фанлар доктори  
Р.Т.Шамсутдинов, тарих фанлари доктори, профессор  
Қ.Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор  
У.Абдуллаев, тарих фанлари доктори  
А.Сотволдиев, иқтисод фанлари доктори, профессор  
Қ.Ҳ.Муфтайдинов, иқтисод фанлари доктори, профессор  
М.Болтабоев, иқтисод фанлари доктори, профессор  
А.А.Қаюмов, география фанлари доктори, профессор  
А.Нигматов, география фанлари доктори, профессор  
Ю.И.Аҳмадалиев, география фанлари доктори  
Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова, филология фанлари доктори, профессор  
А.Ш.Собиров, филология фанлари доктори  
Ғ.М.Ҳошимов, филология фанлари доктори, профессор  
С.Р.Мирзаева, филология фанлари доктори, профессор  
Й.Солижонов, филология фанлари доктори, профессор  
Т.Ҳ.Ҳасанов, педагогика фанлари доктори, профессор  
Ш.Ж.Юсупова, педагогика фанлари доктори  
Н.Ш.Эркабоева, педагогика фанлари доктори  
Н.С.Сафоев, психология фанлари доктори, профессор  
Ш.Р.Баратов, психология фанлари доктори, профессор

**Муҳаррир:**

Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

**Таҳририят манзили:**

170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.

Телефон: (+99891) 160-20-43. Факс: (374) 223-88-30. Расмий сайт: [www.ilmiyxabarnoma.uz](http://www.ilmiyxabarnoma.uz)

**Ўзбекистон тарихи масалалари****ҚАДИМГИ ДАВР****В.Х. МАТБОБОЕВ, Х.Ғ.ТЎХТАСИНОВ, М.О.САТТАРОВ**

Буюк ипак йули тизимида фарғона-хитой маданий ва савдо-иқтисодий алоқалари (Археологик материаллар асосида) .....	5
<b>А.АЛОХУНОВ</b>	
Фарғона водийси тарихи антик давр ёзма манбаларида .....	8
<b>Ф.Э.ТОШБОЕВ, Ж.Э.ТОШБОЕВ</b>	
Уструшона ва Фарғона водийси қадим аҳолиси маданий алоқаларининг дағн маросимларида акс этиши .....	11
<b>Ҳ.ХОШИМОВ, А.АЛОХУНОВ</b>	
Құва (қубо) шаҳар харобасини археологик ўрганиш тарихидан.....	15
<b>М.АСҚАРОВ</b>	
Баъзи хорижий тадқиқотларда Ўзбекистон этнографияси масалаларининг ёритилиши .....	18

**ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ****А.А. ҲАКИМОВ**

Суғд ва чоч шаҳарларининг савдо-иқтисодий муносабатлари тарихидан (илк ўрта асрлар даври) .....	21
<b>Н.Т.ПОЛВОНОВ, Ж.Н.ПОЛВОНОВ, Ж.А.ПОЛВОНОВ</b>	
Қўқон ва Хива хонликларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир (XIX аср) .....	24

**ЧОР МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ****У.С. АБДУЛЛАЕВ**

“Сарт” атамаси қачон ва қандай пайдо бўлган? (Тадқиқотлар, таҳлиллар ва фикр-мулоҳазалар)” .....	29
---	----

**Қ. БОЗОРОВ**

Чор россияси мустамлакачилиги даврида Фарғона водийси шаҳарлари .....	32
---	----

**Д.Т.КУРЯЗОВА, Ж.З.АҲМЕДОВ**

Туркистанда илк музейларнинг шаклланиши .....	34
---	----

**Ҳ.С. ЖУМАНАЗАРОВ**

Фарғона водийси табобат анъаналарининг ўрганилишига доир айрим мулоҳазалар .....	38
--	----

**Б. ПАСИЛОВ**

Алаш ўрда ва минтақада миллий-худудий чегараланиш арафасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар .....	41
---	----

**СОВЕТ ТОТАЛИТАР ТУЗУМИ ДАВРИ****С.А.ҲОШИМОВ**

Қатағон сиёсатининг ижрои органлари (Чк фаолиятига доир) .....	45
--	----

**Б.Т. МИРЗАДЖАНОВ**

Проблемы мобилизации кадров в вооруженные силы туркестана в 20-х годах XX века .....	48
--	----

**А.РАСУЛОВ, А.МАРАҲИМОВ**

Туркистан халқи бағрикенглигининг тарихий манбаларда ифода этилиши .....	52
--	----

5. Мушкетов И.В. Туркестан. Том 1.- Санкт-Петербург, 1908.
6. Тарих шоҳидлiği ва сабоқлари // Масъул мұхаррір Д.А.Алимова.- Т.: Шарқ, 2001.
7. Махмудов Н. Самаркандский музей в новой культурной среде // Мозийдан садо. –2007. – № 3 (37). – С.24.
8. Сирдарё вилояти обзори. – Т., 1887.
9. Туркестанские ведомости.- 1875. – № 8.
10. Туркестанские ведомости.- 1876.- № 48.
11. Туркестанские ведомости.- 1877.- № 18.
12. Туркестанские ведомости.- 1891.- № 45.
13. Туркестанские ведомости.- 1892.- № 31.
14. Туркестанские ведомости.- 1894.- № 1.
15. Туркестанские ведомости.- 1895.- № 83.
16. Туркестанские ведомости.- 1896.- № 57.
17. Туркестанские ведомости.- 1912.- № 46.
18. Туркестанские ведомости.- 1912.- № 94.
19. Исторический вестник.- 1915. – № 10.- С. 145.
20. ЎзР МДА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 11–13-варақлар.
21. ЎзР МДА, И-1-фонд, 11-рўйхат, 722-иш, 32-варақ.
22. ЎзР МДА, И-1-фонд, 16-рўйхат, 259-иш, 10-варақ.
23. ЎзР МДА, И-1-фонд, 16-рўйхат, 359-иш, 32-варақ.
24. ЎзР МДА, И-1-фонд, 16-рўйхат, 965-иш, 4-варақ.
25. ЎзР МДА, И-1-фонд, 575-рўйхат, 4-иш, 53–58-варақлар.
26. ЎзР МДА, Р-72-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 9-варақ.
27. ЎзР МДА, Р-367-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 12-варақ.
28. ЎзР МДА, Р-394-фонд, 1-рўйхат, 143-иш, 19-варақ.

Миллий рассомлик ва дизайн институти,  
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи,  
2016 йил 20 майда қабул қлингандан  
(Тақризчи: доц. С.Хошимов)

## ФАРГОНА ВОДИЙСИ ТАБОБАТ АНЬАНАЛАРИНИНГ ҮРГАНИЛИШИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Х.С. Жуманазаров

Мақолада XIX аср охири – XX аср биринчи чорагига мансуб тарихий-этнографик манбалардаги Фаргона водийси халқ табобатига оид маълумотлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** табиб, доривор гиёҳ, замонавий тиббиёт, этнографик тадқиқот.

В статье проанализированы сведения о народной медицине Ферганской долины, имеющиеся в историко-этнографических источниках конца XIX – первой четверти XX вв.

**Ключевые слова:** лекарь, лекарственное растение, современная медицина, этнографические исследования.

*This article analyses the the information on the people's medicine in Fergana valley in thelast quarter of 19<sup>th</sup> century and the first quarter of the 20<sup>th</sup> century.*

**Key words:** visionary and empiric quackery, quack, medicinal plant, barber, ethnographic research.

Ўзбек халқининг турли анъана ва урф-одатлари тарихи ҳамда ўзига хос жиҳатини таҳлил қиласиз, эканмиз, хар бир ҳудуд ва этник қатлам бошқа-

ларда учрамайдиган маданияти билан алоҳида ажралиб туришини кузатиш мумкин. Халқ анъаналарида ўлкага хос бўлган умумий ривожланиш

## ЧОР МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

жараёни билан бир қаторда этнохудудий ҳусусиятлар ҳам кўзга ташланади. Ҳалқа хос урф-одат ва анъаналарнинг этнохудудий шаклланишида ҳудудга хос бўлган бир қанча омиллар муҳим аҳамият касб этади. Элшунос олимларнинг тадқиқот марказида бўлиб турган ана шундай ҳудудлардан бири Фарғона водийсидир. Водийга хос ҳўжалик, ҳунармандчилик урф-одатлари, диний қадриятлар билан бир қаторда ҳалқ табобатига оид анъаналарни ўрганиш бевосита ҳудуд тарихи, қадриятларнинг шаклланиши, аҳолининг ўзига хос турмуш шароитлари каби масалаларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Табобат соҳаси тарихан барча ҳалқларда умумий ўхшашликлар асосида ривожланган бўлса-да, географик жойлашув, аҳолининг машғулот тури, иқлими, ҳудуднинг ўзига хос флора ва фаунаси ҳамда бошқа омиллар натижасида маълум ҳудудга оид этнолокал анъаналар шаклланади. Фарғона водийси табобат анъаналари ҳамда тиббий билимларининг шаклланишида мазкур минтақавий анъаналарнинг ролини кузатишимиз мумкин. Бу борада турли тарихий манбаларда қизиқарли маълумотлар мавжуд. Фарғона водийси тадқиқига бағищланган асарларнинг аксариятида водий аҳолисининг ҳалқ табобати билан боғлиқ қарашлари, анъаналари тилга олинади. Айниқса, XIX асрда ўлкага ташриф буюрган хорижликлар: сайдёхлар, ҳарбийлар, тиббиёт ҳодимлари ва шарқшунос олимларнинг ҳудудни ўрганиши ва тадқиқ қилиши натижасида соҳага доир бир қанча қимматли маълумотлар муомалага киритилди. Жумладан, В.Кушелевский Фарғона водийсида яшаб, маҳаллий ҳалқнинг тиббий билимлари ва ҳалқ табобати анъаналарини ўз асарида қайд этган. У Кўйкон шаҳрида яшаб, фаолият олиб борган, жумладан, 1889 йилдан Фарғона вилояти тиббиёт бўлимида раҳбарлик қилган.

Муаллифнинг энг йирик асари Фарғона водийси тиббий географияси ва санитар ҳолатига бағищланган бўлиб, у уч жилдан ташкил топган [5.236-279]. Учинчи жилднинг 17-бўлими ҳалқ табобатига бағищланган. Муаллиф ўлка ҳалқ табобатини уч гуруҳга: мистик (тасаввуф, илоҳиётга, ғайритабии кучларга ишониш) [9.562], эмпирик (тажриба йўли билан, фақат тажрибага асосланиб, бирор нарсани тажриба йўли билан аниқловчи) [8.765] ва аралаш табобатга ажратиб тадқиқ қилган. Ушбу мақола китобда келтирилган эмпирик табобат анъаналарига доир маълумотларни камраб олган.

Китобнинг эмпирик табобатга доир қисмида табобатга оид бир қанча этнографик анъана ва үдумлар билан танишишимиз мумкин. Муаллиф эмпирик усулда даволовчиларни алоҳида хур-

мат билан тилга олади. Яъни тажрибада тўплangan билим ва анъанавий усуллар билан даволаш ҳалқ орасида асрлар давомида аждодлардан-авлодларга ўтиб келади. Асрлар давомида бу усул сайқалланиб, катта тажрибани ўзида мужассам этган. Бу усулнинг яшовчанлиги сабаби устоз-шогирд (отадан-ўғилга, ҳакимдан ёрдамчисига ўтган ҳолатда) анъаналарига биноан иш юритилишидир. Бу даврда табобат илмини ўргатадиган давлат ихтиёридаги маҳсус мактаблар бўлмаган, бу соҳани ўрганмоқчи бўлган шахс ўзига устоз танлаган ҳамда устоз-шогирд анъаналари асосида маълум мuddатда устознинг ёнида (табибининг ўйида) яшаб, устозининг беморлар билан муомала қилиши, ташхис кўйиш ҳамда дори тайёрлаши, гиёҳларни териш ва сақлаши каби жараёнларни кузатиб, кўзи пишиб борган. Устоз шогирди тўла табиб бўлиб етишганига кўзи етгач, мустақил фалият юритиши учун рухсат берган.

В.Кушелевский қайд этишича, аксарият маҳаллаларда аҳолининг синалган, ишонадиган табиблари бўлиб, одатда, уларга мурожаат қилишган. Ўша даврдаги табибларнинг тиббиёт ҳодимларидан устун жиҳати беморлар билан қиласидиган муомаласида эди. Яъни табиб юртдошларининг расм-русларни, таомилларини яхши билган, бемор билан яқин кишисиdek гаплашиб, дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтирган ва аксарият ҳолларда беморни зимдан кузатиб, унга ташхис кўйган [5.243]. Табиблар ўз беморларини даволашда оиланинг моддий имкониятидан келиб чиқиб нарх қўйган ва қанча пулга даволаганини бошқалардан сир тутган [10.67]. Табибларнинг афзаллик томонларидан бири тиббиёт ҳодимлари каби беморларни рўйхат тузмасдан, узундан-узун навбатга ёзмасдан, ортиқча оворагарчиликсиз қабул қиласиган ва ҳатто керак пайти бир кунда bemorni уйига бир неча маротаба ташриф буюрган. Беморнинг иқтисодий аҳволи, ички оиласининг яқин кишисига айлантирган.

Аҳолига қуляйлик туғдириш мақсадида маҳаллий табиблар мавжуд бозорлар расталарида ўзларига жой ҳозирлашган. В.Кушелевский табибининг бозорда беморларни қабул қилиб, ўша ернинг ўзида дори тайёрлаб берганини қайд этади. Табибларнинг бозорларда фаолият юритиши ҳақида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Масалан, рус ҳарбийси Галкиннинг ёзишича, табиблар даволаш билан бозорларда шуғулланишган ва ҳар бир табибининг бозорда маҳсус дўкони бўлиб, бу дўконларда турли касалликларга даво

бўладиган дориларни сотиши, шу ернинг ўзидаёқ беморни кўриб, ташхис қўйиши, даволаши мумкин бўлган [4.29]. Машҳур моштабибларнинг ҳам бозорда дон маҳсулотлари билан савдо қилгани, келган беморларга шу ерда ёрдам кўрсатилгани ҳақида маълумотлар манбаларда учрайди [1.12]. Ҳар бир табиб ўз даврида дори тайёрловчи фармацевт ва уни сотувчи ҳам бўлган [12.382]. Муаллиф ёзганидек, маҳаллий табиблар дориларни ўзлари тайёрлаб тарқатишган, узоқ ҳудудларга эса атторлар ёрдамида етказилган [7.112]. Дори тайёрлашда, асосан, маҳаллий ўсимликлар илдизи, пояси ва баргларидан, турли минераллар ҳамда ҳайвонларнинг тана аъзоларидан фойдаланилган. Дорилар дамлама, хандори, суртма, ярага боғловчи малҳам кўринишида бўлган [5.244]. Аксарият табиблар дорини тайёрлаш технологияси ва таркибини сир тутган. Бундан фақат тор доирадаги кишиларгина хабардор бўлган. Чунки табибларнинг асосий қуролларидан бири ўзига хос даволаш усули ва тайёрлайдиган дориси бўлиб, унинг тирикчилик манбанини кафолатлаган. Бу каби сирларнинг ташқарига чиқиб кетмаслиги учун касб давомчисини оила аъзолари ва қариндошлар орасидан танлашга ҳаракат қилинган.

Муаллиф шахсий кузатишлари натижасида ҳалқ орасида машҳур бўлган доривор воситалар рўйхатини тузади. Бунда бозорларда харидор-гир бўлган маҳсулотлар асос қилиб олинганини таъкидлайди. Айрим дориворлар ҳақида ҳалқ қарашларини ҳам келтириб ўтади. Масалан, ўзига тўқ оиласарнинг барчасида мумиё бўлиб, маҳаллий ҳалқ уни одам миясининг ёғидан олинади [5.252] деб фараҳ қилган. Китобда 17 та турли минералдан ишланган дори воситалари ҳамда дори тайёрлашда ишлатиладиган 105 та гиёҳ ва 10 га яқин ҳайвон ва ҳашарот турлари номма-ном келтирилган [5.245-259]. Эътиборли томони шундаки, муаллиф ҳар бир маҳсулотнинг қаердан келтирилиши ва нимага даво бўлиши, дори тайёрлашда қўшиладиган миқдор нисбатларига ҳам имкон қадар тўхталган. Шу билан бирга, ўша даврда табиблар орасида машҳур бўлган “Шифо-и қулб” номли китобга тўхталиб, унинг 26 та бўлими ҳақида батафсил маълумот берган [5.268-269]. Бу бўлимларнинг ҳар бири алоҳида касалликка бағишлиган бўлиб, даволаш усуллари келтирилган.

В.Кушелевский водийда тиббий ходим сифатида фаолият юритгани сабабли бу ҳудудда кузатиладиган касалликлар рўйхатини ҳам тузади ва бу хасталиклар маҳаллий табиблар томонидан қандай даволаниши борасида ҳам тўхталади. Рўйхатда 36 та мудом кузатиладиган касалликлар келтирилган [5.271-277]. Жумладан, нафас йўллари яллиғланганда, бўзани қайнатиб, илиқ ҳол-

га келгач, ичилган. Муаллиф бўза ҳақида илк бор Сибирда эшитгани, лекин ундан фарқли равишда водийда тайёрланган бўзага мингдевона (ҳиди одамни гангитадиган бир хил ўт, кўпинча тиббиётда ишлатилади) [11.295] қўшилишини айтади.

Ўлкадаги табибларнинг жарроҳлик амалиёти борасида ҳам бир қанча маълумотлар учрайди. Бу даврда қон олиш (қортиқ) ҳайвон шоҳлари ёрдамида амалга оширилган бўлса-да, айрим пайларда зулукдан ҳам фойдаланишган. Синган суюклар эса асрлар оша сақланган тахтакач қўйиш йўли билан даволанган. Табиблар томонидан қўлланган умумий усуллардан массаж, парҳез, иссиқ ванна қабул қилиш, куёш нури остида чўмилиш бўлган [5.261].

Китобнинг “Халқ табобати” бўлим мини ўрганиб айтиш мумкинки, муаллиф ўзи замонавий тиббиёт ходими экани сабабли маҳаллий табиблар (асосан мистик йўналишдаги)нинг салбий жиҳатларини бўрттиришга мойил. Албатта, бунда рақобатнинг ҳам таъсири бор: у табибларнинг ўлкадаги врачларга нисбатан “бозори чаққон” лигини ҳазм қилолмайди. Рус врачлари фаолиятининг ижобий томонларини бўрттириш мақсадида табибларни саводсизлиқда, кўр-кўрона даволашда, санитария-гигиена қоидаларига мунтазам амал қилмаслиқда айблайди. Ҳаттоки “Фарғонада руслар келгунинг қадар илмий табобат бўлмаган” [5.236] деган фикрни илгари суради. Табобатга оид китобларнинг аксарияти араб, форс, хитой тилларида эканини айтиб, тил билмаслик туфайли табиблар “мутоала қилишдан маҳрум” деган хуроса беради. Маҳаллий табибларга нисбатан ўлка тиббиёт ходимларининг салбий қарашлари бошқа манбаларда ҳам кўплаб учрайди [2,3,6]. Айтиш мумкинки, бу ҳол давр сиёсатининг бир қўриниши бўлиб, чор хукумати ўлкага олиб кирган замонавий тиббиётни кенг ўйиш мақсадида табиблар фаолияти турли диний-мистик ғоялар ва бошқа ноилмий қарашлар билан қоришган ҳолда талқин қилинган.

Муаллиф ҳам ўзининг врачлик фаолиятидан манфаатдорлигини унутмаган ҳолда табиблар ҳақида, асосан, субъектив фикр билдиради. Тўғри, ўша даврда ҳам турли ёлғонлар билан ёки билимсизлиги туфайли касалларга зиён етказиб, ҳақиқий ҳакимлар обрўсини тўкувчилар ҳам бўлган. Шунингдек, замонавий тиббиётнинг айрим ютуқлари ҳатто табибларимиз учун ҳам янгилик бўлган. Масалан, юқумли касалликларга қарши эмлаш, жарроҳлик амалиётлари, хавфли яраларни тезда тузатиш кабилар. Лекин табобат билан тиббиётни ўзаро қарама-карши қўйишнинг ўзи хато эди. Чунки замонавий тиббиёт равнақ топишнинг асосий сабаби ҳалқ табобатидир. Муаллиф ҳалқ табобатига иккинчи даражали масала

**ЧОР МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ**

сифатида қараса-да, китобида водий халқ табобати тарихи, даволаш усуллари, назарий билимлари ҳамда устоз-шогирд анъаналари борасида бир қанча қимматли фикрларни айтади. Демак, бу даврда халқ табобатининг уч тури (юқорида келтирилди) ҳам водийликлар орасида маълум ўринга эга бўлиб, ҳар бири ўз мижозларига эга эди. Шу билан биргаликда, тиббиёт ҳам катта тезлиқда халқ орасига кириб сингиб борганини кўришимиз мумкин. Ўлаймизки, муаллифнинг ушбу асарини

тадқиқ қилишда турли сиёсий қарашлар ҳамда шахсий муносабатлари нуқтаи назаридан эмас, хорижий тадқиқотчилар учун одатий тарзда ўлка аҳолиси анъаналарини ташки назар билан кўрганигини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқсан, ушбу асар водий табобатининг умумий аҳволи, табибларнинг кундалик юмушлари, беморлар ва шогирдлар билан мумомала маданияти каби анъаналарни ўрганишда илмий ва амалий қийматга эгадир.

**Адабиётлар:**

1. Абдужаббор Мұхаммад Собир ўғли. Асрлар ошган табобат.- Т.: Давр Пресс, 2001.
2. Рық, Богдан. Бухарские хирурги (этнографический очерк) / Туркестанские ведомости.- 1903.- № 53.
3. Гел. Восточная медицина // Правда Востока.- 1927.
4. Фойибов М. ва бошқалар. Хива табобати.- Т.: Ибн Сино, 1995.
5. Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том I.- Новый Маргилан, 1891.
6. Логофет Д. Бухарское ханство - под русским протекторатом. Том II.- Спб. Комиссионеъ военно-учебныхъ Заведеній, 1911.
7. Огудин В. Атторы аптекари народной медицины мусульманского востока // Этнографическое обозрение.- М., 2001.
8. Русча- ўзбекча луғат. II-том.- Т., 1984.
9. Русча- ўзбекча луғат. I-том. Т., 1983.
10. Сейфулмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана.- 1928.- № 9-10.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II-том.- Т., 2006.
12. Шишов А. Сарты // Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. Том XI.- Т., 1904.

ЎзР ФА Тарих институти,  
2016 йил 5 октябрда қабул қилинган  
(Такризи: т.ф.н. И.Хўжахонов)

## **АЛАШ ЎРДА ВА МИНТАҚАДА МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ АРАФАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР**

**Б. Пасилов**

*Мақолада Россиядаги февраль инқилобидан кейин Туркистон ва қозоқ ўлкаларида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, бу жараёнларда “Алаш” партиясининг ўрни ва аҳамияти ёритилган.*

**Калим сўзлар:** Февраль инқилоби, қозоқ зиёлилари, “Алаш” партияси, Алаш Ўрда.

*В статье освещаются социально-политические процессы, происходившие в Туркестане и на казахских территориях после февральной революции в России, а также место и роль в них партии “Алаш”.*

**Ключевые слова:** Февральская революция, казахская интеллигенция, партия “Алаш”, Алаш Орда.